



XX аср ўзбек насрининг шох асари «Ўткан кунлар» романи илк бор 1922 йили «Инкилоб» журнали саҳифалари орқали дунё юзини кўра бошлаган эди. Ўша дақиқалардан эътиборан бу асар миллатнинг ҳар бир зиёлиси, китобхони руҳиятига, маънавиятига, қолаверса, шахсий ҳаёти ва тақдирига қайсидир даражада дахлдор.

1952 йилнинг кеч кузи. Ҳозирги Амир Темур хиёбони ёнгинасида жойлашган САГУ

(бугунги Миллий университет) биносининг иккинчи каватидаги катта ўқув залида «Адабиётшуносликка кириш» фанидан маъруза ўқилмоқда. Икки ярим ойлик пахта терими хашаридан қайтган, маърузаларни соғиниб қолган биз — филология факултетининг биринчи курс талабалари — 64 та жон бир тан бўлиб бутун вужудимиз кулокка айланиб доцент Зикриё Мирхожиев сўзларини тинглаб ўтирибмиз. Шу пайт бирдан бино касир-кусур, деразалар шакир-шукур бўлиб, залда кий-чув кўтарилди. Мирхожиевнинг кизик одати бўларди. Маъруза ўқиётганида доимо юриб, аудиториянинг у бошидан бу бошига бетиним бориб келарди. Ана шу тўс-тўполон онларида ҳам домла одатини тарк этмай, шитоб билан юришда давом этди. Шунда кизлар: «Домла, ер кимирлапти, зилзила бўляпти!» деб уввос солдилар. Домла эса парво қилмай юриб туриб: «Оқўси, нима қилибди, ер бўлгандан кейин кимирлайди-да!» дедилар. Аудиторияда бирдан гуррос кулги кўтарилди ва шу орада ер силкиниши ҳам тинди. Орадан бир хафта ўтиб, яна «Адабиётшуносликка кириш» дарси, домланинг ўша-ўша шитоб билан юриб туриб маъруза ўқишлари... Бу галги дарс ўзгача тарзда тугади. Орамизда Самарқанднинг қайсидир туманидан келган Саримсоков деган ниҳоятда кўп ўқиган, китоб жинниси бўларди. Исми хотирамдан кўтарилибди. Яқинда курсдошим Шерали Турдиевдан суриштирсам, у ҳам исмини эслолмади. Хар бир дарсда у албатта домлаларга қандайдир савол берар, кўпинча қалтис саволи билан манаман деган профессорларни ҳам додиратиб кўярди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Дарс охирида: «Жулқунбой деган ёзувчининг «Ўткан кунлар» номли романи бор экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз», деб қолса бўладими! Шунда нима бўлди дег? Хамиша, хатто тахликали зилзила пайтида ҳам бетиним юриб турадиган Мирхожиев домламиз такка тўхтаб, савол берган талабага анграйиб-бўзариб қарадилар. Бир неча дақиқалик сукутдан сўнг домла: «Оқўси, комсомолмисан?» деб сўрадилар. Тасдиқ жавобини олгач: «Комсомол совет студенти давлат университети аудиториясида бунақа саволни бермайди, коммунист совет доценти бунақа провакацион саволга жавоб қайтармайди», деди қатъий қилиб. Ўқув залида ўтирган талабаларнинг дами ичига тушиб кетди. Эртаси куни қалтис савол берган курсдошимиз дарсда кўринмади. Тўрт йил дараксиз кетди. 1956 йил баҳор кунларидан бирида у Чорсудаги ётоқхонамизга эғнида фуфайка, оёғида кирза этик афтодаҳол холда қириб келди. Нима қор-хол бўлганини биз ҳам сўрамадик, у ҳам айтмади. Орада қандайдир ҳадик, кўркув ҳукм суради, гап гапга қовушмади. Буни сизди шекилли, хушламаган меҳмонимиз: «Сафардан кишлокка қайтишда сизларни бир кўриб ўтай дедим», дея тезгина хайрлашиб йўлга отланди. Ўтган тўрт йил давомида «Ўткан кунлар», «Жулқунбой» сўзларини тилга олиш тугул, хатто бу номларни эслашга ҳам кўрқардик. Гарчи тасодифий учрашувда бу номлар тилга олинмаган бўлса-да, бирданига улар ҳаёлимизни чулғаб олди. Бу пайтга келиб «халқ душманлари» саналмиш адиблар, жумладан, Кодирийга муносабат қисман ўзгара бошлаган, лекин барибир юртда кўркув салтанати кезиб юрарди.

## «КАЛЛИК ЎЙИН» СУРУРИ

«Дилхирож» филми, «Каллик ўйин» спектакли томошаси пайти бирдан ўзимнинг никоҳ тўйим билан боғлиқ воқеалар ёдимга тушди. Тўрт йиллик Конибодом педбилим юрти, беш йиллик САГУ таълимидан сўнг Фаргона вилоятидаги шоир Муқимий «Ким кўрса хангу манг экан» деб таърифлаган она кишлогим Рапқонга, ота-оналарим бағрига бориб мактабда ўқитувчилик қила бошладим. Ота-она орзуси, қолаверса, ўз майлим оқибати

ўларок Бешарикдаги машхур зиёлилардан Исоков домланинг тўнгич кизига уйланадиган бўлдим. Ўзимиз «янгича» бўлсак-да, никоҳ тўйимиз «эскича», кишлоқ удумлари бўйича ўтди. Ўша кезлари бизда ҳам «каллик ўйин» бўларди, бироқ «Дилхирож» ва «Каллик ўйин» асарларидагидан бироз ўзгачарок ўтарди. Куёвникидаги базмдан сўнг жўралари хамрохлигида куёв келинникига йўл олар, у ерда ҳам киска, лекин жўшқин базм-зиёфат бўлар, ёр-ёрлар, ўланлар айтилар, сўнг куёвжўралар келин-куёв учун палаклар билан безатилган хос хонада куёвни ёлғиз колдириб жўнаб колишарди. Никоҳ, сўнг энг хаяжонли, «Ўткан кунлар»да тасвирланганидек келин билан куёвнинг илк висол дамлари бошланар, куёв уч кунгача келин хонадонидан олиб кетар, ундан кейин хафтасига икки бор то «келин туширар» маросимига қадар ойлаб келинникига катнар, бу «каллик ўйин» деб аталар, бу кунлар йигит билан кизнинг энг тотли дамлари саналарди. Шахсан мен ўша кунларни умримнинг энг файзли онлари, деб биламан. Каранги, турмуш ўртоғим ҳам ўзимга ўхшаш китоб шайдоси экан, илк суҳбатимиз китобдан бошланиб, нукул китоб устида давом этди. Билдимки, якингинада ўрта мактабни битирган 17 ёшли бу кизнинг ўқимаган китоби колмаган. Факат русчага, араб ёзувидаги китобларга тиши ўтмас экан. Менинг арабча ёзувдан хабардорлигимни билгач, хона тўридаги тахмонга жойлашган сандикни очиб, шохи рўмолга ўроглик бир китобни олиб, менга тутказди. Очиб, не кўз билан кўрайки, илк муқовасида Кумушбиби сурати солинган «Ўткан кунлар» — учта алоҳида китобдан иборат ўша ноёб хазина! Венерахон буни ўқиб берасиз, деб ёпишиб олди, мен жон деб унинг амрига бўйсундим. Бошда бир дақиқа кўркув салтанати кўнгилга гулгула солди, бироқ роман қаърига кириб борган сари кўркувдан асар ҳам колмади. Уч кеча-кундузлик «каллик ўйин»имиз шу тарика асосан «Ўткан кунлар» мутолааси билан ўтди. Шу кунлардан бошлаб хар иккимиз ҳам бир умрга «Ўткан кунлар» шайдоси ва таргиботчисига айландик. Мен танкидчи-адабиётшунос сифатида «Ўткан кунлар», умуман Кодирий ижоди бўйича иккита китоб, кўплаб мақолалар эълон этдим. Венерахон Миллий университет филология факултетини тугатиб, 30 йил мактабда дарс берган бўлса, асосий дарси «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» теварагида борган. Дастур ва дарсликдаги «Она» романи, «В.И.Ленин» поэмаси, «Йўлчи юлдуз» сингари мавзуларни апил-тапил номигагина ўтиб, уларга ажратилган соатларни ҳам Кодирий романларига багишлагани учун неча бор дакки ҳам эшитган. Энг севимли набираларига Кодирий қахрамонларига эхтиром юзасидан шахсан ўзи Отабек, Раъно исмларини кўйган.

## ХАКИКАТ НАФСОНИЯТДАН УЛУГ

«Кодирий боги» китобининг бир неча ўринларида устоз Иззат Султонов фикрлари билан кескин мунозаралар бор. Менга кўп яхшиликлар қилган, ҳам номзодлик, ҳам докторлик диссертацияларимга расмий оппонент бўлиб, мени кўллаб-қувватлаган устоз олдида хижолат тортиб, бу китобни домлага тухфа этишдан ийманиб юрардим. Шу орада устоз уйимизга телефон қилиб, бирдан: «Кодирий боги»ни ўқидим. Табриклайман!» дедилар. Довдираб колганимни сездилар шекилли, домла айтдилар: «Бир «дўстимиз» Кодирий хақидаги китобида Умарали Сизни роса дўппослабди, деб ваҳима қилди. Ҳеч ваҳима қиладиган жойи йўқ. Сиз билдирган эътирозли ўринларни ўзим тузатишим керак эди. Аслида менинг мақоламдаги Кодирийдан замонага мос жихатларни қидириш ўша кезларда улуг адибни химоя қилишнинг бир йўли — усули бўлган. У даврлар ўтди, энди Кодирий хақидаги бор хақиқатни айтиш, ёзиш имкони келди. Шу ишни Сиз қилибсиз,

муборак бўлсин. Кодирий хакидаги хакикат Сизу бизнинг нафсониятимиздан юкори туриши лозим. Кодирий ва хакикат химояси йўлида мени хар канча танкид килсалар, бундан заррача хафа бўлмайман...»

Бу сўзларни эшитиб лол бўлиб колдим. Чинакам устозлар калби накадар кенг, адолат, хакикат туйгуси улар учун хар нарсадан мукаддас! Афсус, биз хали улар даражасига етишимизга бир неча ковун пишиги бор.

## АДИБНИНГ ТУГИЛГАН ОЙ-КУНИ

Абдулла Кодирий таржимаи холида: «якинларимнинг сўзларига караганда, мустабид Николайнинг тахтга ўтирган йилида тугилгонман», деб ёзади. Тарихдан маълумки, Николай II — Россиянинг охири императори 1894 йили тахтга ўтирган; демак, Кодирий айна ўша йили дунёга келган. Адиб тугилган йилнинг ой-куни хусусида ёзувчининг катта ўгли Хабибулла Кодирий «Отам хакида» китобида «Кайбир вақт дадамдан: «Кайси ой-кунда тугилгансиз?» деб сўраганимда, у киши кулиб, «Ўрик гулида тугилганман. Тахминан ўнинчи апрелда бўлса керак», деганлари ёдимда...» Хабибулла акага шу хусусда эътироз билдириб, ўттиз йилдан бери Тошкентда яшаб, бирор марта апрел бошларида ўрик гуллаганини билмайман, одатда ўрик март ойида гуллаб 10 апрел атрофида довучча тугиб бўлади. Бу пайтда эса олма, аникроги беҳи кийгос гулга киради. Дадангиз «беҳи гулида» деб айтмаганмиканлар, деганимда, у киши: «Дарвоқе, гапингизда жон бор, эҳтимол, дадамнинг сўзларини янглиш эшитгандирман, шу жумлани тузатиб кўйиш керак экан», дея жавоб кайтарган эдилар.

## «ЎТКАН КУНЛАР» КАЧОН ЁЗИБ ТУГАЛЛАНГАН?

«Ўткан кунлар» илк бор «Инкилоб» журнали оркали дунё юзини кўра бошлаган бўлса-да, асар олдинрок — 1920 йили ёзиб тугатилган. Буни тасдиқловчи хужжатлар бор. Биринчиси: «Инкилоб» журналининг 1922 йил 9-10-кўшма сонидида эълон этилган «Ўткан кунлар»дан боблар аввалида «Ёзгувчидан» деб номланган сўз боши — изохнома келтирилади. Унда: «Тошканд, декабрь, 1920 нчи йил» деган маълумот бор. Кейинчалик «Ўткан кунлар»нинг китоб холидаги нашрида ҳам ўша сўз боши — изохнома бир оз тахрирлар билан берилган. Бирок охиридаги макон ва санага оид маълумот негадир тушириб колдирилган.

Адабий тажрибадан биламизки, бу хилдаги сўз боши — изохнома одатда асар ёзиб тугатилгандан кейин битилади. «Меҳробдан чаён»да ҳам айна шундай.

Иккинчиси: «Ўткан кунлар»нинг 1925 йилги алохида китоб холида чиккан биринчи бўлимига сўнгсўз тарикасида ёзилган «Узр» сарлавхали изохномада «Рўмон деб сизга такдим килинган бу нарса дунёга келиши биланок бахтсизликка учрай бошлаган эди: беш йиллаб босила олмай ётди» дейилади.

Учинчиси: «Ўткан кунлар» охирида «Ёзгувчидан» деган мухтасаргина сўнгсўз мавжуд. Унда шундай дейилади:

«Кейинги Маргилон боришимда якин ўртоқлардан Ёдгорбек тўгрисида суриштириб билдим: Ёдгорбек ушбу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлик йиллари миёнасида вафот килиб, ундан икки ўгул қолибдир. Ўгулларида биттаси бу кунда Маргилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фаргона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлук-тириги маълум эмас, дейдилар».

Бу маълумотлар айна 1920 йил охиридаги вазият, рух-кайфиятни ифодалайди, улар айна ўша пайтнинг гаплари.

Демак, адибнинг ўзи айтган икромлари, маълумотлари «Ўткан кунлар» романи 1920 йил охирида ёзиб тугалланган, деб узил-кесил хукм-хулоса чиқариш учун тўла асос беради. Тўғри, асар матни устидаги ишлар кейин ҳам давом этган. Лекин роман айна ўша санада ниҳоясига етган.

#### «ЎТКАН КУНЛАР»НИНГ АСЛ МАТНИ МУАММОСИ

Абдулла Кодирий олти жилдик «Тўла асарлар тўплами»нинг I жилди 1995 йили чоп этилди-ю, афсус, бу хайрли иш молиявий сабабларга кўра тўхтаб қолди. Адибнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини ўз ичига олган 1992 йили нашр этилган китоб ҳозирча Кодирий романларининг асл нусхаси сифатида қабул қилинмакда. Бу хусусда ўйлаб кўрадиган бир қатор жумбоқлар бор. Тўпламда негадир «Ўткан кунлар»нинг ёзувчи ҳаётлик чоғида босилган сўнги 1933 йилги лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувидаги нашри эмас, 1926 йилги нашри асос қилиб олинган. Холбуки, бу нашрдан муаллифнинг мутлақо қўнгли тўлмаган.

Кодирий юқорида эслатилган, «Узр» сарлавхали изохномасида афсус-надоматлар билан роман «бу кун босилиши муяссар бўлганида ҳам турлик зарбаларга учради; имлоси уч-тўртта имлочиларимиз томонидан тузатилиб (!) ажойиб бир қурок холига келди, мусаххларимизнинг мусохалалари (бепарволиги) орқасида техника жихати кўз кўриб қулоқ эшитмаган бир йўсунда чиқди», деб ёзади. Ёзувчи асарнинг кейинги нашрида имкон қадар йўл қўйилган хатоларни тузатишга уринажagini айтади ва айна пайтда «бундай хатолардан соф бўла олишига ваъда бера олмаслиги»ни ҳам писанда қилиб ўтади.

«Ўткан кунлар» нашрларини қиёсий ўрганиш, қузатишларнинг дастлабки натижалари шундан далолат бераётирки, романнинг 1926 йилги нашри матни ёзувчи қўнгидагидек амалга ошмаган. Романнинг тўлиқ ва асл нусхаси деб тақдим қилинган 92-йилги нашрини 33-йилги нашри билан солиштириб кўрганимизда, ҳар бир саҳифада ўнлаб, ҳатто юзлаб ўзгартириш, тузатишлар борлиги аниқланди. Ўзгартириш-тузатишлар фақат матн имлосигагина оид бўлмай, айрим саҳифаларда матн структураси, композицияси ҳам қайта ишланган. 92-йилги китоб охирида берилган «Ўткан кунлар» рўмонининг 1926 ва 1933 йиллар нашрларидаги тафовутлар» деб аталган изохда бундай ўзгартириш-тузатишларнинг юздан бири ҳам қайд этилган эмас. Шуниси муҳимки, 1933 йил нашридаги ўзгартириш-тузатишларнинг аксарияти роман матни бадииятини муқаммаллаштиришга қаратилган. Тўғри, 33-йилги нашри ҳам хато-қусурлардан холи эмас. Бир саҳифанинг ўзида бир сўз (масалан, «билан» сўзи гоҳ «билан», гоҳ «блан» тарзида) турли шаклда берилган. Сиёсатга дахлдор айрим кескин ибораларни бироз юмшатиш ҳоллари ҳам учрайди. Чунончи, Юсуфбек хожининг ўгли Отабек билан учрашувда айтган ҳаяжонли нутқидаги «тўнгизхона» сўзи «оёқ ости» деб ўзгартирилган...

Бу гаплар «Меҳробдан чаён» романи нашрларига ҳам тегишли. Хуллас, Кодирий романларининг ишончли асл матнини тиклаш борасида адабиётшунос-матншунослар олдида жиддий вазифалар турибди.

Афсуски, «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»дан бирор саҳифа ҳам қўлёзма — автограф сақланиб қолмаган, агар у топилса, бу борадаги қўп қалқашликларга ўз-ўзидан

аниклик киритилган бўларди. Умидли дунё дейдилар. Изланишда давом этайлик. Зора, мўъжиза юз бериб, асл матн топилиб колса...

## МОСКВА ТАЪЛИМИ САМАРАЛАРИ

Кодирий ўзгаларга ҳам, ўзига ҳам нихоятда талабчан, хамиша янги замон даражасида фикрлашга мойил зот бўлган. Адиб таржимаи холида янги замон ўзгаришлари «баробарида маданий, илмий эҳтиёжлар ҳам ўсгани»ни айтиб, сўнг бундай ёзади: «Мен тартиблик мактаб кўрмаган нодон бир йигит эдим. Унча-мунча билган нарсаларим ҳам ўз тиришувим орқасида замон шароити ва мажбурияти остидаги чала-чулпи гаплар эди. Кейинги кунларда нодонлигим ўзимга каттик хис этила бошлаб, бу хол билан узокка кета олмасимни сездим. Ва 1924 йилда хизматимдан жавоб олиб, Москвага ўқишга кетдим». Хўш, Кодирий Москвада қайси ўқув даргоҳида ўқиган? Кейинги 30-40 йил давомида чиққан Кодирий таржимаи холига оид кўп ишларда у Валерий Брюсов номидаги журналистлар институтида ўқигани айтилади. «Ўзбек совет энциклопедияси»даги (1971) «Абдулла Кодирий» мақоласида эса Кодирий «Москвада Валерий Брюсов номи Адабиёт институтида ўқиди» дейилади. Бу маълумот хақиқатга якин, деб ўйлайман. Тарихдан маълумки, В.Брюсов 1921 йили Москвада Олий адабий-бадиий институтни ташкил этган, кейинчалик у Бутуниттифок адабий-бадиий институти (ВЛХИ) деб аталган. Ўша йиллари бу институт жахон адабий-бадиий тафаккури марказларидан бири, замонавий жахон адабиёти, санъати, фалсафасига доир карашлар, жўшқин бахс-мунозаралар маскани саналган. В.Брюсовнинг ўзи ҳам бу даргоҳда маърузалар ўқиган. Кодирий уни кўрганми, маърузаларини тинглаганми, бу хусусда бир нарса дейиш кийин, чунки Кодирий институтга кирган ўқув йили бошларида — 1924 йил 9 октябрда бу киши оламдан ўтган. Лекин, аниқки, В.Брюсовга хос тафаккур, бахс-мунозаралар руҳи бу даргоҳда давом этган. М.Горький уни «Россиядаги энг маданиятли ёзувчи» деб атаган. Ўз даврида у «модернистик адабиётнинг лидери», «рус символизмининг дохийси» саналган. Янги ўзбек шеърини намояндалари, жумладан, Ойбек В.Брюсовдан таъсирланиб, 20-йиллари марокли изланишлар олиб борган. Бу даргоҳдаги таълим Кодирий карашларида, ижодий такдирида чуқур из қолдирган. Х.Кодирий «Отам хақида» китобида Кодирийнинг институтда тинглаган лекцияларидан ёзиб олган конспект дафтарларини неча бор кизиқиб ўқиб чиққани ва уларни 1945 йилгача авайлаб саклагани хақида гапириб, сўнг бундай ёзади: «Русча ёзилган конспектда дунё адабиётидаги баъзи оқимлар хақида бахс боради. Масалан, реализм, идеализм, романтизм, футуризм каби оқимлар; уларнинг кузатган гоёлари, қонуниятлари ва бу оқимларга мансуб кўзга кўринган ёзувчилар қиска-қиска баён қилиб ўтилади...» Бундай ўқиш-ўрганиш самараси адиб фаолиятида яққол кўринади. Кодирийнинг 1925 йилдан кейин ёзган адабий-танқидий мақолалари, хусусан, унинг реализм, янгича адабий-бадиий оқимлар хақидаги карашлари ўша давр замонавий адабий-танқидий тафаккури даражасида экани тасодифий эмас.

## КОЗОН САФАРИ ВОКЕАСИ

Кодирийнинг 1936 йил ёзида Козон сафари чоғи Амина исмли татар кизига уйланиб қайтгани хақида эшитган, бироқ унинг тафсилотларидан беҳабар эдим. 1976 йил июнида бод қасалига йўлиқиб, Хотинкўприқдаги қасалхонада йигирма кунча даволанишимга

тўгри келди. Хабибулла ака ўша кезлари бу ерда ишлар, хафтасига икки кун тунда навбатчи бўлиб колар, кўли бўшади дегунча хонамга келар, тун бўйи сухбатлашиб ўтирардик. Кунларнинг бирида Козон вокеасини сўрадим. У киши хушламайрок бўлса-да, бўлган вокеани батафсил сўзлаб бердилар. Ш.Турдиев «Маърифат» газетасининг 2004 йил 31 март сонига «Дўстлар калбида» сарлавхали маколасида Кодирий-Амина вокеасига доир 1936 йилги Козон сафарида Кодирийга хамрох бўлган Шокир Сулаймоннинг турмуш ўртоғи — татар аёли Зайнаб опадан ёзиб олган хотираларини келтирган. Хабибулла ака сўзлаб берган вокеа мохиятан Ш.Турдиев келтирган хотирани тасдиқласа-да, бу ходисанинг талкини, тафсилотлари ўзгачарок. Хабибулла аканинг айтишича, Аминанинг отаси Козон яқинидаги Арча районида карашли Качи овулида яшаган, маърифатли киши бўлган. Бу оила аъзолари Кодирий романларини ўзбек тилида кўлма-кўл ўқишган, айникса, оиланинг эркатоё, романтик табиат кизи Амина «Ўткан кунлар» кахрамони Отабекка, роман муаллифига гойибона ошик бўлиб колган. Ота Кодирийнинг Козонга келганини эшитиб, уни овулга таклиф этган. Амина «Ўткан кунлар» муаллифини кўриб, ўзини кўярга жой тополмай колади... Кискаси, бу иш никох билан яқунланади. Кодирий Качида икки хафта мехмон бўлади. Кейинрок Качи таассуротлари хакида ажойиб бир макола ёзади. Амина Кодирий билан Тошкентга келгач, тез орада Кодирийлар хонадонининг чин аъзосига айланади. Нихоятда ширинсўз, чаккон, озода, саранжом-саришталиги, пазандалиги билан обрў-эътибор топади. Афсус, бу тотли дамлар узокка бормайди. Кодирий хасталикка учрайди, адиб устида гийбат, галвалар, таъкибу тахдидлар авжига чиқади. Адиб хибсга олиниб, бедарак кетгач, Амина Козондаги кариндош-уруглари бундан хабардор килади. Аминанинг акалари Тошкентга келиб, уни юртига олиб кетадилар.

#### «НАВО КУЙИ» ГУРУНГЛАРИ

Ўтган асрнинг 60-80-йиллари Гулом Каримов бошчилигида 8-10 кишидан иборат гап-улфатчилигимиз бўларди. С.Долимов, О.Шарафиддинов, Х.Ёкубов, А.Алиев, С.Фузаиловдек устозлардан иборат бу даврага мен ва менга тенгдош икки-уч ёш домлалар хам таклиф этилган эдик. Ойда бир бор улфатлардан бирининг хонадошида ўтадиган гурунглари гоят марокли кечарди. Даврада албатта санъаткор — созанда ва хонандалар иштирок этарди. Машхур созанда Тургун Алиматов иштирок этган гурунглари эсласам, хамон кўнглим чарогон бўлиб кетади. Тургун акадек санъаткор Субутой домлани мумтоз куй, маком бобида ўзига устоз деб атардилар. Субутой ака дуторда, Тургун ака танбур ёки сатода ижро этган куйлардан сел бўлиб тўлгонардик. Тургун ака хар гал «Ўткан кунлар»даги «Наво куйи» боби устида сўз очар, бу бобни ёд айтиб, мумтоз куйнинг сўз оркали бу кадар нафис, тиник, жонли ифодасидан хайратини тўкиб соларди. Субутой ака «Ўткан кунлар»да тасвир этилган дуторда чалинган куйни ёшлигида тинглаганини сўзлар, Тургун акадан уни тиклашни кайта-кайта илтимос киларди. Тургун ака устоз илтимосини ерда колдирмай, бу йўлда узок изландилар. Нихоят, улуг созанда бир гал: «Устоз, дутор навосини топдим, «Ўткан кунлар»нинг ўзидан олиб тикладим», дедилар. Сўнг дуторни кўлга олиб, одатдагидек уни узок созлаб, Кодирий ёзганидек, дуторни созлаш учун реза куйлардангина олиб турган машшок биз кутмаган жойда «Наво»дан бошлаб юбордилар. Куй бошланиши биланок даврадагиларнинг вужуди «зирр» этиб кетгандек бўлди. Нихоят, эшилиб, тўлганиб теваарак-атрофга илохий бир сирли-сехрли садолар таратган дутор пардалари тинди.

Субутой ака «Айни ўзи, койил! Балли!» деб юбордилар.  
Сухбат уланиб, замонавий адабиётга келиб такалди. Тургун ака: «Хозирги ёзувчи-шоирлар асарларида мумтоз куйнинг шунака тасвири борми?» деб сўраб колдилар. Мен: «Бор! — дедим, китоб жавонидан Абдулла Орипов тўпламини олиб «Муножот»ни тинглаб» шеърини ўқий бошладим:

Эшилиб, тўлганиб ингранади куй,  
Асрлар гамини сўйлар «Муножот».  
Куйи шундай бўлса, гамнинг ўзига  
Кандай чидай олган экан одамзод!»

Ана шу сўнгги сатрларга келганда улуг созанда: «Ха, бу шеърдаги «Муножот» тасвири «Ўткан кунлар»даги «Наво» куйи тасвиридан колишмас экан», дедилар ўзларига хос босиклик билан.

Умарали Норматов. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2004 йил 21-сонидан олинди.